Ушбу сонда:
2 МУСТАҲКАМ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ
3 TV-ДАСТУРИ
4 *Бор бўл, оқибат!* КЎНГЛИНГ ЎКСИМАСИН, БОЛАЖОН!



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 11 июл, жума № 107 (1532)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## МАҲАЛЛАГА ГАЗ КЕЛДИ

Учқўрғон туман "Соҳил" маҳалласига табиий газ келди. 836 метр масофага газ қувурлари тортилиб, аҳолига катта қулайлик яратилди. Бу ишга 5 миллион 100 минг сўмлик маблағ АҚШ "Mercy Corps" ташкилоти томонидан инсонпарварлик ёрдами сифатида берилди.

Янги газ шохобчасининг ишга туширилиши муносабати билан ўтказилган маросимда сўз олганлар кўрсатган ёрдамлари учун америкалик дўстларимизга миннатдорчилик билдиришди. Юқоридаги ташкилот вакили Чарлз Батс маҳалла аҳлини бу ерда "зангори олов" порлаши билан табриклади.

Энди тумандаги "Ниҳол" сиҳатгоҳи ҳам табиий газдан баҳраманд бўлади.

## ПРЕЗИДЕНТ ПОЛЬШАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Польша Республикаси Президенти Александр Квасьневскийнинг таклифига биноан 10 июл куни расмий ташриф билан Варшава шаҳрига жўнаб кетди. Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.***

- Польша ҳақида гапирганда, энг аввало, бизни бу мамлакат билан кўп йиллик тарих боғлаб туришини айтиш керак,- деди Президент. - ХIХ асрда чор Россиясига қарши қўзғолон кўтарган поляклар мамлакатимиз ҳудудига сургун қилинган. Иккинчи жаҳон уруши пайтида қатағонга учраган поляклар учун ҳам юртимиз иккинчи Ватан бўлган. Айни пайтда мамлакатимизда истиқомат қилаётган поляк миллатига мансуб аҳоли Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётгани, ўқув юртларимизда поляк тили ўргатилаётгани, умуман, юртимиздаги поляклар миллий ўзлигини сақлаб келаётгани бу фикрнинг яққол далили бўла олади.

Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги ҳамкорликка келсак, бизда ҳам, уларда ҳам ўзаро алоқалар миқёсини янада кенгайтириш, ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик қилиш истаги борлигини айтиш жоиз. Польшада ҳокимият тепасига Александр Квасьневский келгач, бу истак, хайрихоҳлик янада кучайди. Ўтган йил октябр ойида Польша Президенти мамлакатимизга ташриф буюрган чоғида бунга яна бир бор амин бўлдик.

Жўғрофий жойлашиши, коммуникация, автомобил ва темир йўллари жиҳатидан кенг имкониятларга эга бўлган, ялпи ички маҳсулоти 200 миллиард АҚШ долларидан ошувчи, ўзининг юксак салоҳиятидан оқилона фойдаланаётган Польша билан ҳамкорлик бизнинг манфаатларимизга ҳар томонлама мос келади. Польша яқиндагина НАТОдек нуфузли ташкилотга аъзо бўлгани, 2004 йили эса Европа Иттифоқига қўшилишини ҳисобга олсак, жаҳон миқёсидаги нуфузи кундан-кун ортиб бораётган бу мамлакат билан ҳамкорлик биз учун ҳар жиҳатдан муҳим экани янада яққолроқ намоён бўлади.

Европанинг етакчи давлатларидан бири сифатида эътироф этилаётган Польша билан иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида гапирганда, бу соҳадаги натижалар, афсуски, мамлакатларимизнинг салоҳиятига жавоб беролмаслигини айтиш керак. Шу сабаб Варшавага ташрифимиз чоғида иқтисодий ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Сафар давомида саккизта ҳужжат имзоланиши кутилмоқда. Улар орасида Польшанинг Ўзбекистонга имтиёзли кредит ажратишига оид ҳужжатларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Умумий қиймати 30 миллион АҚШ долларига тенг иккита кредитнинг ярми мамлакатимиздаги таълим муассасаларини қайта таъмирлаш учун сарфланади.

**(ЎзА)**

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАРШАВА УЧРАШУВЛАРИ

*ВАРШАВА. 10 июл. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).*

Польша Президенти саройидаги расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда Польша Президенти Александр Квасьневскийнинг яккама-якка учрашуви бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Польша алоқаларини ривожлантириш, мамлакатларимизнинг иқтисодий-сиёсий, маданий, маърифий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди. Президентлар, шунингдек, долзарб халқаро масалалар, хусусан, Афғонистонни тиклаш, халқаро ташкилотлар, дастур ва лойиҳалардаги икки томонлама ҳамкорлик борасидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

Икки давлат делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокараларида эса томонлар Ўзбекистон-Польша ҳамкорлигини ривожлантириш, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар кўламини янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилди.

Ҳужжат имзолаш маросими аввалида мамлакатимиз раҳбари Польша Президентига ҳаёт тақозоси билан Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга келиб қолган поляклар тақдирини ўзида акс эттирувчи архив ҳужжатларини топширди. А.Квасьневский бу хайрли ишни катта ҳайри-саховат сифатида қабул қилишини таъкидлаб, Ислом Каримовга чуқур миннатдорлик билдирди.



Ҳужжат имзолаш маросимида ҳукуматлар ўртасида иккита кредит битими, божхона ишида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, халқаро автомобил қатнови тўғрисидаги битимлар имзоланди. Ўзбекистон мудофаа вазирлиги ва Польша миллий мудофаа вазирлиги ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги декларация, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Польша халқаро муносабатлар институти ўртасида ҳамкорлик меморандуми, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Польша сайёҳлик ташкилоти ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Польшанинг «Банк государства краевего» ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимга имзо чекилди.

Ислом Каримов ҳамда Александр Квасьневскийнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувида музокаралар чоғида муҳокама қилинган масалалар, икки мамлакат ҳамкорлигининг диққатга сазовор жиҳатларига оид ахборот берилди. Президентлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Варшавадаги номаълум аскар қабрига гул қўйди.

Куннинг иккинчи ярмида Польша Парламентида ўтказилган учрашув чоғида Ислом Каримов Польша Сенати раисининг ўринбосари Й.Данеляк хоним ҳамда Польша Республикаси Сейми маршали М.Боровский билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ҳамда Польша ўртасидаги ҳамкорлик, хусусан икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни жадаллаштириш, мавжуд ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, томонлар ўртасида тажриба алмашишни йўлга қўйишга оид масалалар тўғрисида сўз борди.

Президентимизнинг Польшага расмий ташрифи давом этмоқда.

***Пойтахтимиздаги «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси тасарруфидаги «Агрегат заводи» очиқ акциядорлик жамияти корхонани техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури бўйича фаол иш юритмоқда.***

## ТЕХНИК ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ САМАРАСИ

Ҳар бир корхонанинг барқарор ишлаши учун замонавий техника ва технологиялар муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, уни бошқара билиш, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш энг асосий вазифалардан ҳисобланади. Мазкур корхона бир неча йил олдин иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолганди. Яратиб берилаётган кенг имкониятлар туфайли корхона банклардан кредит олди ва унинг ҳисобига замонавий дастгоҳлар сотиб олинди, мавжуд цехлар қайта реконструкция қилинди.

Бу ердаги замонавий ускуналар ўрнатилган қайта ишлаш марказида иш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган. Барча ишлар дастур асосида бошқарилади ва юқори сифатли детал тайёр бўлгунча шаффоф экранда кузатиб турилади. Мазкур деталлар экскаватор, булдозер, грейдер, тракторларга ўрнатилади.

Корхонада янги техника ва технологияларнинг қўлланилиши туфайли заводнинг анъанавий маҳсулотлари - халқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалик техникасида ишлатиладиган мотор-редукторлар, пахтачиликда фойдаланиладиган тракторларнинг орқа ва олд кўприкчалари, турли модификациядаги редукторлар аввалгиларидан анча сифатли ва пишиқ ишлаб чиқарилаётир.

Айни вақтда корхонада кенг истеъмол моллари - икки тарафлама чиқиладиган нарвонлар, болалар велосипедлари, банка ёпқичлари, телевизор учун столча ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ҳам тайёрланмоқда.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида металлургларни ижтимоий муҳофазалаш, кенг истеъмол моллари билан мунтазам таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бугун корхона тасарруфида замонавий сут-товар фермаси, деҳқончилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик, кенг истеъмол моллари тайёрловчи қатор ишлаб чиқариш тармоқлар мавжуд. Яқинда бу ерда минерал сув қадоқлайдиган янги шохобча ҳам иш бошлади.

## МАЪДАНЛИ СУВ

**иш жойига етказиб берилмоқда**

Болгария технологияси асосида ишлайдиган ушбу линия Оҳангарон тоғларидан сизиб чиқаётган маъданли тузлар ва микроэлементларга бой шифобахш ер ости сувидан бир сменада минг литр қадоқлаб чиқармоқда. Тайёр маҳсулот комбинатнинг мис эритиш заводи, рух заводи, олтин қазиб олиш кони каби қайноқ иш участкаларида меҳнат қилаётган металлургларга етказиб берилмоқда.

**(ЎзА)**

**ЎЗБЕКИСТОН-УКРАИНА:**

## ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Украинанинг мамлакатимиздаги элчихонасида оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Анатолий Касьяненко икки мамлакат ўртасидаги яқин муносабатлар, ўзаро иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳамкорликнинг бугунги аҳволига тўхталди.

- Ўзбекистон ва Украина ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда, - деди элчи. Жумладан, рақамларга назар ташласак, ўтган олти ой ичида мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 25 фоизга ортиб, 160 миллион АҚШ долларига етди. Бунда, шубҳасиз, икки мамлакат Президентларининг учрашувларида эришилган аҳдлашувлар асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Кейинги пайтда Украинанинг йирик компаниялари мамлакатимиз бозорига фаол кириб келмоқда. Хусусан, йил бошида «Донбасс саноат уюшмаси» корпорацияси Ўзбекистонга катта ҳажмдаги қувурлар, бурғилаш ва конларни қидиришда фойдаланиладиган техника етказиб бериш учун ўнта шартнома имзолаган эди. Ўтган олти ой давомида ушбу корхона мамлакатимизга қиймати қарийб 10 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот етказиб берди.

Украинанинг «Сож Инвест» молия-саноат компанияси билан «Ўзкабел» давлат акционерлик компанияси кабел маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхона қурилиши ниҳоясига етиш арафасида турибди. Бундан ташқари мазкур компания Олмалиқ кон-металлургия комбинати билан ҳам қўшма корхона тузишни режалаштирган.

Икки мамлакат таълим соҳасида ҳам ишончли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу йил 31 нафар ўзбекистонлик иқтидорли йигит-қиз турли йўналишлар бўйича Украинанинг нуфузли таълим муассасаларида таҳсил олади.

Улар фойдали қазилмалар, тоғ-кон саноати, металлургия, экология каби соҳалар бўйича беш йил давомида билим ва малакаларини оширади. Талабаларнинг ўқиш харажатларини Украина томони ўз зиммасига олган.

**(ЎзА)**

*Ёзги соғломлаштириш*

## РЕСПУБЛИКАДА ЯГОНА ОРОМГОҲ

Бундан бир йил илгари Андижон вилоят ички ишлар бошқармаси ташаббуси ҳамда вилоят касаба уюшмалари Кенгаши саъй-ҳаракати билан Ҳарбий-спорт соғломлаштириш оромгоҳи ташкил топган эди. У 75 ўринга мўлжалланган бўлиб, уч босқичда фаолият кўрсатади. Бу ерда асосан қўшимча эътиборга муҳтож 11-14 ёшдаги болажонлар тарбияланиб, ҳордиқ чиқарадилар.

Ушбу маскан Баҳодир Ҳошимов номли вилоят ИИБ бошқармаси ўқув маркази қошида ташкил этилган бўлиб, айни пайтда республикада ягона ҳисобланади. Эътиборли жиҳати шундаки, оромгоҳда дам олувчининг барчаси ҳарбий уст-бош билан таъминланган бўлиб, ватанпарварлик руҳида тарбияланишмоқда. Ўтказилаётган турли кўнгилочар тадбирлар, спорт мусобақалари ва ҳарбий соҳада хизматлари билан танилган зобитлар ўртасидаги мулоқотлар уларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

– Болаларни ушбу масканда ҳордиқ чиқариши биз учун қувонарли, – дейди оромгоҳ бошлиғи, милиция лейтенанти Ҳотамжон Бозоров. – Боиси, кўпчиликда ҳарбий касбга меҳр қўйиш ёшликдан уйғонади.

Оромгоҳ ҳовлисини айланар эканмиз, ҳарбий машғулот билан шуғулланаётган болажонларни кўриб ҳавасимиз келди.

Бу ерда улар учун барча шароитлар яратилган. Расcомчилик, кулолчилик, мусиқа тўгараклари ишлаб турибди. Ҳордиқ чиқарувчилар ҳуқуқий саводхонлигини оширишда турли адабиётлар қўл келмоқда. Бундан ташқари ушбу мавзуда семинар машғулотлари ташкил этилган.

Оромгоҳда вилоят ички ишлар бошқармасида узоқ йиллар хизмат қилиб, бир гуруҳ террорчилар билан бўлиб ўтган жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган милиция полковниги Баҳодир Ҳошимов фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи музей ташкил этилган. Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилувчи кўргазмалар, адабиётлар билан бойитилган.

Оромгоҳда болажонларни юртимизнинг улкан саноат корхоналарига саёҳатлари ташкил этилмоқда. Масалан, Асакадаги «УзДЭУавто» қўшма корхонасига бўлган ташриф уларда катта таассурот қолдирди. Хўжаобод газ омбори мажмуасига бўлган сафар ҳам улар қалбида бир умр муҳрланиб қолади.

**Давур ЖОЗИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ЯНГИ КОНСЕРВА ЗАВОДИ

Ушбу сут заводи бундан беш-олти йил илгари банкротга учраб, бўшаб ётганди. Энди у таъмирланиб, консерва заводига айлантирилмоқда.

Заводга ўрнатилаётган замонавий технология бир кунда 500 тонна сабзавотни қайта ишлаш қувватига эга. Технолог-муҳандис Жаҳон Эгамбердиевнинг таъкидлашича, қайта ишланган маҳсулотларнинг асосий қисми шу йилнинг ўзида экспорт қилинади. Керакли ҳужжатлар имзолаб қўйилган. «Навоийсавдо» ҳиссадорлик жамияти муассислигида бунёд этилаётган завод ишга тушгач, олтмиш киши иш билан таъминланади.

## ҚЎШМА КОРХОНА ҚУРИЛМОҚДА

Андижон вилоятининг Жалақудуқ туманида «Айимтекстил» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида технологик асбоб-ускуналарни монтаж қилиш ишлари ўз ниҳоясига етмоқда.

Корхона йилига 4365 тонна калава ва 4200 тонна трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватига эга.

Германия ва Швейцариядан 35 миллион еврога сотиб олинган асбоб-ускуна жаҳон андозасига мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда ички ва халқаро бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш имконини беради. Қўшма корхона ишга тушгач, 600 нафар киши иш билан таъминланади.

*Қонун барча учун баробар*

## ХУФЁНА ЦЕХЛАР, СОХТА ТАДБИРКОРЛАР...

Қонун устуворлигига эришиш бугунги куннинг энг муҳим талабидир. Бу борада бошқармамиз томонидан бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қонун бузилиш ҳолатларига барҳам бериш мақсадида бошқарма ва туман бўлимлари ходимлари томонидан тегишли идоралар билан ҳамкорликда мунтазам равишда текширишлар ўтказилди. Бунинг натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 189 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, 87 та жиноий, 115 та маъмурий иш қўзғатилди. 154 миллион 504,4 минг сўмлик қўшимча солиқ ва жарималар давлат бюджетига ундирилди. Ҳуқуқбузарлардан 58 миллион 377,6 минг сўмлик маҳсулотлар олиб қўйилди.

Шуниси ачинарлики, айрим юртдошларимиз солиқ тўлашдан қочиб, яширинча маҳсулот ишлаб чиқаришга уринмоқдалар. Ўтган даврда 43 та ана шундай ҳолатга дуч келинди. 14 та жиноий, 29 та маъмурий иш қўзғатилди. 3212,6 минг сўмлик маҳсулотлар, ускуна ва жиҳозлар мусодара этилди. Ачинарли жиҳати, бундай яширин цехларда ишлаб чиқарилаётган ўсимлик ёғи, ун, вино, арақ каби маҳсулотларнинг сифатига ҳеч ким кафолат беролмайди. Улар нафақат давлат хазинасига зарар етказишаяпти, балки фуқароларимиз соғлиғини ҳам жиддий хавф остига қўйишмоқда. Шулардан бири Қарши шаҳрида яшовчи А.Шукуров ўз уйида косонлик К.Итолмасов билан қўлбола жувоз ўрнатиб, пахта чигитидан ёғ ишлаб чиқаришни авж олдирган экан. Бу хуфёна «тадбиркор»ларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Текширишларда аниқланишича, 20 та ҳолатда 3 миллиард 41 миллион 208 минг сўмлик нақд пул муомалалари бузилган. Аҳволнинг бу зайлда тус олишига айрим туман ҳокимликлари мутасаддиларининг ўзбошимчалиги сабаб бўлаётганлиги, айниқса ачинарлидир. Улар томонидан қонунга зид равишда айрим шахсларга спиртли ичимликлар савдосига рухсат берувчи гувоҳномалар «тортиқ» қилинган. Бундай «сахийлик» оқибатида банкдан ташқарида нақд пул оқимининг пайдо бўлиши ҳамда ушбу маблағларнинг ноўрин сарф-харажати учун имконият туғилган. Шунингдек, солиқлар тўғрисидаги қонунларнинг бажарилиш аҳволи текширилганда ҳам бир талай ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар кузатилди. Биргина мисол. Чироқчи туман «Консерва» ОҲЖ бошқаруви раиси С.Эштўхтаров 180 литр винони ҳеч бир ҳужжатларсиз литрини 180 сўмдан фуқаро Г.Ражабовга сотаётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан қўлга олинди. Маълум бўлишича, бу каби хуфёна савдолар корхона фаолиятида одатий ҳолга айланган экан. Вино маҳсулотларини сотишдан тушган нақд пулларни корхона ҳисобига кирим қилмаслик оқибатида давлат бюджетига 3087,2 минг сўмлик зарар етказилган.

Маълумки, ислоҳотлар самараси ҳар бир ходимнинг ўз ишига сидқидилдан ёндошишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Айниқса, масъул лавозимларда ишлаётган мансабдор шахсларнинг ҳалоллиги, жонбозлиги иқтисодиёт равнақини белгиловчи асосий омиллардан бири саналади. Лекин, афсуски, мансаб отига минган айрим кимсалар халқ манфаати бир четда қолиб, ўз нафсининг қули бўлиб қолишмоқда. Масалан, давлат солиқ идоралари ходимларининг фаолияти назорат тартибида текширилганида баъзи бир ходимларнинг нолойиқ хатти-ҳаракатлари кўзга ташланди. Масалан, Нишон туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаб келган Х.Атауллаев ва шуъба бўлими бошлиғи Б.Алладўстов мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишиб, ҳуқуқбузарлардан олиб қўйилган маҳсулотларни давлат тасарруфига ўтказиш ўрнига ўз киссаларига урганлар. Бу қилмишлари орқали давлат бюджетига 5 миллион 5 минг 700 сўмлик зарар етказишган.

Натижалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, қўшни Туркманистон республикасидан «Pine» сигаретларини олиб келиб сотиш айрим кимсалар учун мўмай даромад манбаига айланиб қолмоқда. Яқинда бошқармамиз ходимлари ва тегишли идоралар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда А.Азимов, Ё.Жўраев, И.Қиличев, З.Абдиев ва З.Умиров бошқарувидаги «Nexia» автомашиналари текширилганида, автомашиналарнинг салон ва юкхоналарида 30091 кути «Pine» сигаретлари яширинча олиб келинаётганлиги аниқланди. Ҳуқуқбузарлардан автомашиналар ва тамаки маҳсулотлари олиб қўйилди.

Хорижий валюталарнинг ноқонуний операцияларига чек қўйиш, миллий валютамиз харид қувватини ошириш ҳамда экспорт-импорт операцияларининг қонунийлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳам доимо диққат марказимизда. Бошқармамизга Қарши шаҳрида яшовчи фуқаро Шуҳрат Халилов Пахтазор митти туманида жойлашган «Шоҳрух» савдо дўконида ноқонуний доллар олди-сотдиси билан шуғулланаётганлиги тўғрисидаги маълумот келиб тушди. Шунга асосан ўтказилган тезкор тадбир натижасида фуқаро Ш.Халилов мазкур савдо дўконида фуқаро А.Авлякуловга ноқонуний равишда 3500 АҚШ долларини 3902500 сўмга сотганлиги аниқланди. Умуман, бу борадаги қонунбузилишлар юзасидан 13 та жиноий, 4 та маъмурий иш қўзғатилди. 10552 АҚШ доллари, 500 Россия рубли ва 500 АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотлар олиб қўйилди. Бундай нохуш ҳолатларга барҳам бериш мақсадида уларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланиб, тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шунингдек, қонунларнинг ўз вақтида самарали ижросини таъминлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчилик ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш ишларига ҳам жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Зеро, юрт равнақи, эл фаровонлигига тўсиқ бўлаётган иллатларни бартараф этиш бош вазифамиздир.

**Илҳом НЕЪМАТОВ,**
**Қашқадарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи, адлия кичик маслаҳатчиси**

